



O'zbekiston Respublikasi, Toshkent sh., Chilonzor t., "Muqimiy" 178-uy. tel: 97-383-89-86, 94-045-77-70.
178, Muqimiy str., Tashkent, 100070, Republic of Uzbekistan, tel: 97-383-89-86, 94-045-77-70

30.05.2025 йил №19

Мустақил аудиторлик хулосаси

«O'ZINTERIMPEKS» Акцидорлик жамияти молиявий ҳисоботларидан фойдаланувчиларга

Фикр

Биз «O'ZINTERIMPEKS» Акциядорлик жамиятининг 2024 йил 31 декабр ҳолатига бўлган бухгалтерия баланси, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи, пул оқими тўғрисидаги, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча қўшимча изоҳлар билан фикр билдириш учун асос ифодаланаётган бўлимда тавсифланган жиҳатнинг таъсирини истисно этганда, молиявий «O'ZINTERIMPEKS» Акциядорлик жамиятининг 2024 йил 31 декабргача бўлган бухгалтерия баланси, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи барча муҳим жиҳатларда Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний акс эттиради (ёки ҳаққоний ва тўғри тасаввур беради).

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувоқиф аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз корхонадан мустақил равишда ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли “Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги”ги қонунга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, БХМС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаيمиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади⁴;
- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган хулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далиллари асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилилишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этилишини баҳолаймиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

Биз шунингдек Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган хулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари, ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Мустақил аудит ўтказган аудитор раҳбари
(сер № 05166 рақамли сертификат)
12.10.2013 йилда берилган

Аудиторлик ташкилоти директори:

Ш.А.Алиев

Ш.А.Алиев



«O'ZINTERIMPEKS» АЖ Адрес: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнаобод тумани Туйтепа МФЙ Истиклол кўчаси 51/1-уй. Ҳисоб рақами: 20210000200600101001. ТИФ «Миллий банк» М.Улугбек филиали». Банк коди: 00450. СТИР: 200523324. ИФУТ: 46690 Код НДС: 326020005376

МЧЖ «ODIL AUDIT» АТ. МВ реестр санаси 11.02.2022 йил. Адрес: г. Ташкент, Чиланзар район, ул. «Мукумий» 178-уй

р/ч: 2020 8000 3005 1328 3001, «Asia Alliance Bank» АТБ Олмазор филиали, МФО 01095, СТИР 202071199